



СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ПАНДЕМИЯ МУСТАҚИЛЛИК КУНИДА КАТТА ЙИҒИН ВА САЙИЛЛАР ЎТКАЗИШНИ ЧЕКЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 20 август куни тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида пандемияни жийовлаш доирасида олиб борилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, Мустақиллик байрамини бундай шароитда нишонлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Жумладан, қайд этилишича, бугунга келиб мамлакатимизда жами коронавирус юктирганлар сони 37,5 мингдан ошди, шундан 33 мингдан зиёди ёки 88 фоизи соғайди. 4 минг беморни даволаш ва оиласи бағрига қайтариш чоралари кўрилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев бундай натижалар юртимиз тиббиёт ходимларининг буюк хизмати эканини алоҳида айтиб ўтди. Вазият, айниқса, Тошкент шаҳрида ижобий томонга ўзгараётгани, яқинда Россия, Германия ва Хитойдан таклиф этилган шифокорлар ҳудудлар ўртасида тақсимлангани, Германиядан яна мутахассислар келиши қутилаётгани қайд этилди. Хорижлик экспертлар асосан оғир аҳволдаги касалларни энг замонавий услублар асосида, тизимли равишда даволашга жалб этилмоқда, деди Президент.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, айни ҳафталар биз учун

синовли давр бўлади. Қўрилаётган чоралар қанчалик натижа бериши кейинги ҳафтада аён бўлади.

Лекин, аҳоли томонидан шифокорлар тавсияларига, яъни ниқоб тақиш, ижтимоий масофани сақлаш, оилавий маросимларни ихчамлаштириш каби қатъий эҳтиёт чораларига риоя қилинмас экан, давлат карантин чекловларини қайтадан татбиқ қилишга мажбур бўлиши қайд этилди.

Шу муносабат билан, ҳар биримиз пандемия шароитида яшаш ва ишлашга, ҳаракатларимизда эпидемиологик талабларга сўзсиз амал қилишга одатланишимиз кераклиги яна бир бор таъкидланди.

Шу боис, ҳокимлар, сектор раҳбарлари ва вазирларга доимий равишда вазиятни таҳлил қилиб, COVID-19 тарқалишини қатъий чеклаш, беморларни самарали даволаш ва эҳтиёжмандларга ёрдам бериш бўйича барча чораларни қўриб бориш топшириғи берилди.

Юртимиз мустақиллигининг 29 йиллик айёми ҳам яқинлашиб келяпти.

Ушбу масалада шифокорлар билан маслаҳат қилган ҳолда шундай хулосага келиндикки, пандемия билан боғлиқ вазият бу йил жойларда катта йиғин ва сайиллар ўтказишни чеклаш талабини қўймоқда. Шунинг учун ушбу улуг санани кўпроқ оила даврасида нишонлашни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Корхона ва ташкилотларда ҳам байрам тадбирлари режалаштирилган тақдирда уларни санитария нормаларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида байрам кунлари қизикари, янги форматдаги кўрсатувлар, эшиттириш ва чиқишлар намоиш этиш борасида тавсиялар берилди.

ЎЗА

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲУДУДЛАРДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНияТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 август куни мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарга қўшимча захира яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Карантин талаблари юмшатилгани туфайли мамлакатимизда иқтисодий фаоллик оша бошлади. Савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги тадбиркорлик фаолияти тикланиб, даромадларни кўпайтиришга имконият пайдо бўлди.

Йиғилишда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманлардаги қўшимча имкониятлар таҳлил қилиниб, уларни ишга солиш чоралари белгиланди.

Жорий йил 1 декабрга қадар 500 миллиард сўм қўшимча захира шакллантиришга тўлиқ имконият борилиги аниқ ҳисоб-китоб қилинган. Ушбу маблағлар эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш учун республика бюджетидан берилаётган пулларга қўшимча ресурс бўлади.

Август ойида 20 минг, сентябрда 26 мингта корхона фаолиятини тулик қувватга олиб чиқиш, уларнинг пандемия туфайли тўпланиб қолган маҳсулотларини сотиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун ийрик шаҳарларда қўшимча савдо жойлари ташкил этиш, талаб юқори бўлган истеъмол маҳсулотларини тўлиқ электрон савдо тизимларига жойлаштириш вазифаси юклатилди. Хомашё олиб келиш ёки экспортда қийналаётган корхоналарнинг транспорт-логистика масалаларини ҳал этиш бўйича топшириқ берилди.

Вилоят ҳокимлари Бизнес-омбудсман, Божхона қўмитаси билан бирга 1 октябргача тадбиркорлар томонидан келтирилган технологик ускунани ишга тушириш ҳамда улар учун ер, бино, электр, газ ва бошқа муҳандислик-коммуникация масалаларини ҳал қилиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳудудларда тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича захиралар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, давлат томонидан ажратилган субсидия ва кам фоизли кредит эвазига Фориш туманида 100 та қудуқ қазилиб, фойдаланишдан чиқиб кетган 2 минг 700 гектар ерда 6 та тоқор ташкил этилди. Бунинг натижасида 2,5 минг янги иш ўрни яратилиб, бюджетга қўшимча тушум таъминланди.

Шунингдек, Тахиятош туманида Иссиқлик электр станциясининг ташланма иссиқ сувидан фойдаланиб, 54 гектарда 7 та гидропони-ка иссиқхонаси барпо этилмоқда. Бунинг ҳисобига жорий йилда 500 та иш ўрни яратилади ва қўшимча солиқ манбаи пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари барча ҳудудларда шундай имкониятлар борлигини таъкидлаб, уларни оқилона ишга солиш, кооперация орқали янги корхоналарни қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир захира — эркин иқтисодий зоналардаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланган 1 минг гектардан

зиёд бўш ер майдонлари. Уларда 17 минг иш ўрни яратиладиган 120 та лойиҳани амалга ошириш мумкин. Йиғилишда ушбу лойиҳаларни пухта шакллантириб, тезроқ ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди.

“Яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш ва шу орқали қўшимча захираларни шакллантириш топшириғи берилди. Бундай қўшимча захиралар, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламида қўллаб-қувватлаш учун муҳим манба бўлади.

Қўшимча захираларнинг сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бу борада маҳаллий кенгашлар фаолиятини янада кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Бош вазир ўринбосарига уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш тартибини жорий этиш вазифаси юклатилди. Бу ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида, мамлакатимизда жорий этилган “темир дафтар”лар сингари, ишсиз ёшлар бўйича алоҳида (“Ёшлар дафтари”), ишсиз ва боқувчисиз хотин-қизлар бўйича алоҳида (“Аёллар дафтари”) рўйхатлар шакллантириб, ҳар бири билан янги тизим, янги тартибда манзилли ишлаш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида сўзга чиққан ҳокимлар тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча захираларни шакллантиришга доир режалари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

Владимир ТЮРДЕНЕВ: Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ислохотлар Россия — Ўзбекистон самарали ҳамкорлигида янги уфқлар очди



Россия Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкори ва иттифоқчиси. Россия Федерацияси 1992 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олган ва шу кун икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар расмий равишда ўрнатилган.

Ўзбекистон мустақиллиги байрами арафасида “Дунё” АА муҳбири Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, суҳбатимиз мустақиллик байрами арафасида бўлиб ўтмоқда. Анъанага кўра, ушбу сана арафасида турли йўналишларда эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинади. Шу боис, бугунги суҳбатимиз Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигида эришилган натижаларга бағишланади. Ўзбекистон ва Россия Ҳар томонлама стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолаш арафасида турибди.

Давоми 2-бетда

Интервью

ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАШ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Президентимиз 20 август куни мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарга қўшимча захира яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Унда пандемия сабаб фаолияти тўхтаб қолган тадбиркорлик субъектларига кўмак бериш, ҳудудларда ишбилармонликни ривожлантириш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди. Бу борада мутасаддиларга аниқ вазифа ва топшириқлар берилди.

Зоир МИРЗАЕВ, Қашқадарё вилояти ҳокими:

— Пандемия даврида иқтисодиётнинг муайян қатлами қайсидир маънода тўхтаб қолгани ёки вақтинчалик фаолиятини усайтиргани бор гап. Бугунги йиғилишда давлатимиз раҳбари бизга ана шу масалаларни ҳал этиш, тадбиркорларга кўмаклашиш бўйича аниқ йўналиш ва топшириқлар берди.

Давоми 2-бетда

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ: ҲАР БИР ЛОЙИҲА — ИНСОН МАНФААТИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислохот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради. Ва бундай ислохотни, бундай шиддатли жараённи ҳеч ким, ҳеч қандай куч тўхтата олмайди. Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак”, деган эди.



Давоми 3-бетда

Интервью

ТАДБИРКОРЛАР
ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАШ
ЧОРАЛАРИ КЎРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Сўнг ана шу рўйхат асосида уларни назоратга олишимиз ва

фаолиятларини тиклашларида яқиндан кўмаклашимиз керак.

Қашқадарё вилояти мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, пандемия пайтида жами 662 та тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатган. Биз ана шу тадбиркорлар билан ишлашимиз лозим. Иккинчи масала шуки, вилоятда давлат дастурига кирган қиймати 317 миллиард сўмлик лойиҳаларнинг 42 таси ҳали ишга тушмаган. Улар тез кулларда фаолиятини бошлаши керак.

Бундан ташқари, пандемия даврида фуқароларнинг ўзини ўзи банд

қилиш даражасини ошириш вазифаси қўйилди. Ҳозир 60 дан зиёд хизмат тури бўйича фуқаролар ўзини ўзи банд қилиш тизими бор. Шу пайтгача режадаги фуқароларнинг 62 фоизи банд қилинган, қолган қисмининг ҳам бандлиги таъминланади.

Бугунги йиғилишда олдимизга бажаришнинг имконияти бўлган вазифалар қўйилди. Давлатимиз раҳбари уларнинг ижросини таъминлашда масъулият ва шахсий жавобгарлиқни ошириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди. Биз белгиланган топшириқлар ижросига бугундан киришамиз.

Рустам ХОЛМАТОВ,
Тошкент вилояти ҳокими:

— Тадбиркорлиқни ривожлантирмасдан туриб бандлик масаласини ҳал қилиш, иқтисодий кўрсаткичлар ижросини таъминлаш мушкул. Коронавирус пандемияси таъсиритувфайли Тошкентвилоятида 70 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектидан 596 тасида ишлаб чиқариш бирмунча камайди. Айниқса, озиқ-овқат, туризм билан боғлиқ саноат, транспорт йўналишидаги корхоналарда пасайиш сезилди. Айни пайтда шундай корхоналардан мингдан зиёдининг ишлаб чиқариш қуввати пандемиядан олдинги ҳолатга қайтди. Қолган ҳар

Қобул ТУРСУНОВ,
Навоий вилояти ҳокими:

— Бугунги видеоселектор йиғилишида айнан тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳолини камбағалликдан

чиқаришда муҳим омил саналадиган бюджет тушумларини кўпайтириш бўйича ҳам бир қанча топшириқлар берилди. Агар биз ўтган 2019 йилда кичик бизнес субъектлари сонини 7100 тага оширган бўлсак, жорий йилнинг ўтган олти ойида бу кўрсаткични 3000 тага етказдик. Уларни таққослайдиган бўлсак, пандемия даврида ҳам юртимизда иқтисодий ўсиш кузатилаётганидан дарак беради.

Йил бошида “темир дафтар”га ўн саккиз мингта оила киритилган эди. Бугунги кунга келиб, улардан қарийб эллик икки фоизининг бандлиги таъминланиб, бу рўйхатдан чиқарилди. Олдимизда турган муҳим

вазифалардан бири йил якунига қадар “темир дафтар”га киритилган оилалардан қолган қисмининг ҳам бандлигини таъминлаш ва рўйхатдан чиқаришдир.

Жорий йил якунига қадар 2,2 триллион сўмлик 645 та лойиҳани ишга туширишни режалаштиряпмиз. Бунинг натижасида қарийб ўн икки мингдан ортқ янги иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, пандемия даврида қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорларга берилган кредит ресурсларини қайтариш муддатларининг кенчиктирилиши ёки солиқ тўловлари муддатининг узайтирилиши ҳам иқтисодиётимиз ривожига туртки бўлади.

Адҳамжон ЗИЁВУДДИНОВ,
Марғилон шаҳри ҳокими:

— Бугунги видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан камбағаллиқни қисқартириш, эҳтиёжманд оилалар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлиқни ривожлантириш, қўшимча захираларни шакллантиришга доир тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мазкур йўналишларда Марғилон шаҳрида ҳам бир қатор ишларни олиб бормоқдамиз.

Корхоналар фаолиятини тўлиқ тиклаш, уларнинг пандемия туфайли тўхтаб қолган қувватларини қайта ишга тушириш энг муҳим масалалардан биридир. Шаҳримизда 3100 дан ортқ корхона мавжуд бўлиб, пандемия даврида 485 тасининг ишлаб чиқариш

кўрсаткичи тушиб кетди. Олдимизда улар фаолиятини тўла тиклаш вазифаси турибди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш мақсадида Марғилон шаҳрининг “Наврўз” маҳалласи ҳудудидан кам таъминланган оилаларга иссиқхона қуриш учун икки сотихдан ер ажратиб берилди. Бу ерда иссиқхона қуриш учун уларга давлат томонидан субсидия ва банклар томонидан кредитлар ажратилади. Айни кунгача 88 та оила иссиқхоналарда иш бошлаб юборди.

Бугунги йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириқлар ижросини барча сектор раҳбарлари изчиллик билан таъминлайди.

Владимир ТЮРДЕНЕВ:
Ўзбекистон раҳбарияти
томонидан амалга оширилаётган
ислохотлар Россия — Ўзбекистон
самарали ҳамкорлигида
янги уфқлар очди

Бошланиши 1-бетда

Биз тарихнинг энг оғир синовларини, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласини елкама-елка туриб енгиб ўтганмиз. Ишончим комилки, бугунги офат билан ҳам биргаликдаги курашимизни янада кучайтирамиз.

— Шавкат Мирзиёев Президент сифатида иш бошлаган даврдан буюн ташқи ва ички сиёсатда кенг қўламли ислохотларни амалга оширди. Бу ўзгаришлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қанчалик таъсир кўрсатди?

— Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда сиёсий тизимни ислох қилиши, қонун чиқарувчи ва вакиллик органлари ролининг кучайтириши, депутатлар корпуси ва партия тизимида қонунчиликдаги тўб ўзгаришлар, “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясининг амалга оширилиши ва, энг муҳими, жамиятдаги ижобий ўзгаришлар муҳитида Россия — Ўзбекистон самарали ҳамкорлиги учун янги уфқлар очилди.

Парламентлараро ва минтақалараро алоқалар кенгаймоқда. Мамлакатларимизнинг жамоат бирлашмалари ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасида алоқаларни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш имкониятлари ҳам сезиларли равишда ортди. Ўзбекистонда ички сиёсатдаги янгиланишлар натижасида фуқаролик жамияти институтлари янада фаоллашди. Бу эса “халқ дипломатияси”ни ўзаро тушуниш, ишонч ва дўстликни янада мустаҳкамлашда битмас-туганмас манба сифатида намоён бўлишига ёрдам беради.

Ислохотлар нафақат Марказий Осиё минтақасида ишонч муҳитини мустаҳкамлашга, балки Ўзбекистоннинг халқаро фаоллиқни оширишга йўналтирилган ташқи сиёсатига ижобий таъсир кўрсатди.

Сўнгги йилларда ўзбекистонлик шериклар БМТ Бош Ассамблеясининг қатор резолюцияларини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. 2019 йил декабрь ойида қабул қилинган Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш резолюцияси шулардан бири. Россия ушбу ҳужжатнинг 50 ҳаммуаллифидан биридир. Ўз навбатида, Ўзбекистон халқаро ташкилотларда Россия ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг нацизмни улуғлаш, космосга қуролларни биринчи жойлаштиришга қарши кураш ва халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби резолюциялари қабул қилинишида ҳам муаллиф бўлди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида Ўзбекистон Президентининг

таклифига биноан, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг ёшларга қўшма мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар дастури қабул қилинди, ШХТга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятлари раҳбарлари учрашувларининг янги механизми яратилди. Ўзбекистон ташкилотда минтақалараро ҳамкорликни йўлга қўйишда фаол иштирок этмоқда, Россия томонининг ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасини (МАТТ) ШХТга аъзо давлатларнинг хавфсизлиқка оид таҳдид ва таҳдидларга қарши курашиш бўйича универсал марказга айлантириш ғоясини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фаолиятидаги иштирокини сезиларли даражада кенгайтди ва ҳамкорлиқнинг қатор тармоқ органларига қўшилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатларимизнинг ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиради. Бу йил Ўзбекистон МДҲга биринчи марта раислик қилмоқда.

Биз ўзбекистонлик шерикларнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи сифатида қўшилиш истагини оқшайлашимиз. Ишончим комилки, ушбу мақомга эга бўлиш Ўзбекистон учун Евроосиё интеграцияси жараёнини бевосита кузатиб бориш, Евроосиё иқтисодий иттифоқида аъзо давлатлар билан яқин алоқаларни ўрнатишнинг мақбул шакллари аниқлаш имконини беради.

— Бугун Россияда ўзбеклар жуда кўп. Улар, жумладан, вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда, тахсил олмақда, бизнес билан шуғулланмоқда ва санъат соҳасида изланмоқда. Айтиш мумкинки, миграция ўзаро ҳамкорлиқнинг устувор ва долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Сизнингча, Ўзбекистон ва Россия ушбу омилдан икки мамлакат равақи учун қандай қилиб янада самарали фойдаланиши мумкин? Бу борада қандай ечимлар топилад ва қандай муаммолар ҳал этилиши керак?

— Шубҳасиз, бугунги кунда миграция энг нозик ва долзарб масалалардан биридир. Тўғри таъкидлаганингиздек, Россияда ўзбекистонликлар жуда кўп. Турли маълумотларга қўра, улар сонини 1,5 миллиондан 2 миллионгача етди ва уларнинг аксарияти вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида. Мигрантлар ва россиялик иш бевуричлар дуч келаётган қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда иш жараёнини оптималлаштириш механизмини яратиш, ходим малакаси ва ўқишини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни қайта ишлаш тартибини аниқлаштириш муҳимдир. Шунингдек, қонуний иш билан банд бўлганлар сонини камайтириш учун зарур шароит таъминлаш керак. Таъкидлаш жоиз, мамлакатларимизнинг

ваколатли идоралари ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўлида доимий иш олиб бормоқда.

Шу билан бирга, бу йил биз янги синов — халқаро транспорт алоқаларини чеклаб қўйган, аксарият компания ва корхоналар фаолиятини тўхтатган коронавирал пандемияси билан тўқнашдик. Шу муносабат билан чет элдан кўллаб фуқаролар қийин вазиятга тушиб қолди.

Мавжуд шароитни инобатга олган ҳолда, мамлакатларимиз раҳбарлари улар аҳолини яхшилаш бўйича биргаликда қатор чоралар кўрмоқда. Хусусан, Россия Президенти Владимир Путин миграция ҳужжатларининг амал қилиш муддатларини узайтириш, патент учун ойлик тўлов, мамлакатда бўлиш тартибини бузганлик учун жарима, шу жумладан, ҳужжатларнинг муддати ўтганини учун жаримага тортишни бекор қилишга оид фармонни имзолади.

Карантинга қарамай, Россия Федерациясида бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базаси мунтазам равишда янгиланиб турибди. Натижада ишдан айрилган муҳожирилар ўзлари учун янги иш топиш имконига эга бўлмоқда. Бундан ташқари, уйга зудлик билан қайтишга зарурати бор фуқаролар учун мамлакатларимиз авиакомпаниялари томонидан чартер рейслар мунтазам ташкил этилмоқда.

— Ўзбекистондаги фаолиятингиз давомида сизда алоҳида таассурот уйғотган қандай жиҳатларни қайд этишни истардингиз?

— Ўзбекистон шарқона қараш ва бой маданий меросни мамлакатнинг замонавий тарихий ютуқлари билан уйғунлаштирган давлат.

Ажойиб тоғ манзаралари, мўл-кўл мева ва सबзавотлар, тандирда ёпилган ноннинг хушбўй ҳиди, бетакрор ўзбек таомлари ва, албатта, савимий инсонларнинг меҳмондўстлиги — буларнинг барчаси Ўзбекистонда бўлганларни беварқ қолдирмайди.

Шу боис, мен барчага карантин чекловлари олиб ташланиб, чегаралар очилгач, Ўзбекистонга ташриф буюришни, ушбу ажойиб мамлакатнинг бой ва ранг-баранг маданиятидан баҳраманд бўлишни тавсия қиламан.

— Мустақиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригингиз.

— Ўзбекистон халқини мамлакат фуқаролари миллий бирлигининг ёрқин рамзи бўлган Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан кутлайман!

Барчангизга сихат-саломатлик, фаровонлик ва тинчлик йўлида хизмат қиладиган барча ташаббуслар рўёбини тилаб қоламан. Ҳар бир оиллага тинчлик, фаровонлик ва барака инсин!

“Дунё” АА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кимё ва биология
йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, республиканинг ҳар бир ҳудудида босқичма-босқич кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган 14 ТА ТАЯНЧ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Давлат тест маркази 2021 йил 1 февралга қадар КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИДАН БИЛИМЛАРНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛАДИ.

Шунингдек, республика туман (шаҳар)ларида босқичма-босқич КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИБ ЎҚИТИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН 150 ТА МАКТАБЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Ихтисослаштирилган мактабларда кимё ва биология фанларини самарали ўқитишни мувофиқлаштириш учун уларга ОТМЛАРИНИНГ 55 ТА КАФЕДРАЛАРИ БИРИКТИРИЛАДИ.

Ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилинган кимё ва биология фанлари ўқитувчилари ҳамда РАҲБАР КАДРЛАРИНИНГ БАЗАВИЙ ТАРИФ СТАВКАСИГА НИСБАТАН АМАЛДА БЕЛГИЛАНГАН УСТАМА ҲАҚИ МИҚДОРИ 2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ 50 ФОИЗГАЧА ОШИРИЛАДИ.

ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИГАН ДАРАЖАДАГИ МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТГА ЭГА МАКТАБ, ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИ давлат ОТМга киришда кимё ёки биология фанидан ТЕСТ СИНОВИ ТОПШИРИШДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ ҲАМДА УНГА МАКСИМАЛ БАЛЛ БЕРИЛАДИ.



оғир аҳволга келиб қолганди. Фуқароларнинг жойлардаги Президент Халқ қабулхоналарига бўлаётган муносабатларининг салмоқли қисми ҳам шу муаммога қаратиларди. Зеро, вилоят бўйича аҳоли пунктларининг ярмидан кўпи марказлашган сув тармоғига уланмаган, жойлардаги ичимлик сув иншоотларининг аксарияти эса бундан 40-50 йил муқаддам қурилганди. Давлатимиз раҳбари имзо чеккан қарор ва унинг натижасида бошланиб кетган кенг қўламли ишлар ана шу йirik муаммонинг ҳал бўлишини таъминлаши кутилмоқда.

— Президентимиз қарорига асосан, қиймати 470 миллиард сўмлик лойиҳа амалга ошириляптир, — дейди “Сув

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ: ҲАР БИР ЛОЙИҲА — ИНСОН МАНФААТИ ВА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Бошланиши 1-бетда

Энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллик кунини нишонлаш арасида туриб, Жиззах вилоятида ўтган йилги истиқлол байрамидан бугунгача бўлган давр оралиғида амалга оширилган ишларга теран кўз ташлаган инсон, давлатимиз раҳбарининг юқорида келтирилган сўзлари ўз тасдиғини топаётганига ишонч ҳосил қилади.

Бугун Жиззах вилоятида ҳам жуда кўп, бир-биридан кенг ва катта ўзгаришлар рўй бермоқда, мисли кўрилмаган қўламли бунёдкорлик ишлари бажарилиб, лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Энг муҳими, ана шу сазй-ҳаракатларнинг ҳаммасида, биринчи галда, инсон манфаати мезонидан келиб чиқилган ҳолда, оддий юртдошларимиз турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсади бор.

Битта оддий мисолни келтириб ўтмоқчиман: бугунги Жиззахнинг энг баланд биноси 10 қаватли, у собиқ иттифок даврида қурилган ва унда вилоят ҳокимлиги жойлашган. Кейинги уч-тўрт йил ичида вилоят ҳудуди улкан қурилиш майдонига айланди. Нафақат Жиззах шаҳри, балки энг чекка туманларда ҳам бир-биридан кўркям, бир-биридан салобатли, ўзига хос мезморий ечимга эга бинолар қад ростлади. Энди эса Жиззах шаҳрининг бош режасига асосан, биринчи марта 16 қаватли уйлар қурилишига тамаал тоши қўйилди.

— Бунёд этилаётган кўп қаватли ушбу уйларга илғор хорижий меъморчилик тажрибаси асос қилиб олинди, — дейди вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Эргаш Қўлдошев. — Ҳар бири 80 оиллага мўлжалланган бу уйларнинг бир қаватини бунёд этиш учун атиги 3 кун керак бўлади. Иншоотнинг темир “қовургалари” тайёр бўлгач, уларнинг орасини иссиқ ва совуқни ўтказмайдиган махсус қоршима билан тўлдиршига атиги 56 дақиқа сарф этилади. Бу 72 соатда бир қават буй ростлайди, деган гап. Хуллас, Жиззах шаҳри шу пайтгача энига “кенгайган” бўлса, энди бўйига “ўса бошлайди”. Ана шу ўсишнинг ўзида қандайдир рамзий маъно бор эмасми?!

Вилоят бўйича бу йил жами 464,9 миллиард сўмлик 93 та объект инвестиция дастурига киритилган, 46 та объектдаги 182,7 миллиард сўмлик ишлар вилоят ҳокимлиги, 47 тасдиқлаш 282,2 миллиард сўмлик эса вазирлик ва идоралар бююртмасига асосан амалга оширилмоқда.

Бу ишларнинг янада самарали бўлишига асосий қурилиш ашёларининг Жиззах вилоятининг ўзида ишлаб чиқарилаётгани қўшимча омил бўлмоқда. Бундан бир неча йил аввал вилоятда Олмалик кон-металлургия комбинатининг цемент ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушган эди. Яқинда иккинчи ана шундай корхона фаолият бошлади. Зафаробод тумани ҳудудида “Хуахин Цемент Жиззах” қўшма корхонаси ҳам махсуслот етказиб берапти. Йилга 1 миллион 200 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳанинг умумий қиймати 150 миллион долларга тенг. Завондин тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобига бунёд этилгани, 300 дан ортиқ ёшни иш билан таъминлангани эса Ўзбекистон иқтисодиёти мураккаб пандемия шароитида ҳам унумли ишлаш қобилиятига эга эканини тасдиқламоқда.

Дарҳақиқат, COVID-19 пандемияси туфайли юзага келган қийинчиликларга қарамай, вилоятнинг иқтисодий

кўрсаткичлари чакки бўлмапти. Худудда 2020 йилнинг ортида қолган даври мобайнида ялпи ҳудудий махсуслот ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 100,7 фоиз, саноат махсуслотлари ҳажми 103 фоиз, истеъмол моллари ҳажми 104,3 фоиз, хизматлар ҳажми эса 102 фоиз ўсди. Бюджет тушумлари режасининг бажарилиши 125,5 фоизни ташкил қилди.

Куни кеча республика матбуотида Жиззах воҳаси, аниқроғи, ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги соҳасига алоқадор ажабтовур бир янгилик тарқалди. Даштобод шаҳрида фаолият юритаётган “Жиззах органик” миллий агрокластери Ўзбекистонда биринчи бўлиб мрамор мол гўштини саноат усулида ишлаб чиқаришни бошлаш арасида. Агрокорхона шу йилнинг куз фаслида Россия ва АҚШдан сермахсус, зотдор 5 минг бош қорамол олиб келишни режалаштирмоқда. Ангусса ва герфорд зотли ушбу жониворларнинг бунчаллик катта ҳажмдаги импорти Ўзбекистонда саноат усулида мрамор мол гўшти ишлаб чиқарилишни бошлаб беради. Ўзтиборлиси, мрамор гўшт ва ундан тайёрланган махсуслотлар дунё бозорида ҳар қилоси 50 долларгача нархда сотилади.

— Мрамор мол гўшти олиш учун чорва молларини етиштириш жараёнида белгиланган меъёрларга қатъий амал қилиш талаб этилади, — дейди агрокластер бошлиғи Ҳикматилла Қаримов. — Октябрь ойида олиб келинадиган ғу-

асосан, 18 та умумтаълим мактаби янги-ча қиёфа касб этмоқда. Зомин туманида 1 минг 680 ўринли, Жиззах шаҳрида эса 1 минг 320 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари қад ростлаб улгурди.

Ёшлар, аниққса, кам таъминланган ва муҳтож оилалар фарзандларини қўлаб-қувватлаш, иш билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Бу борада “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси самаралари ҳақида айтиб ўтиш лозим. Вилоят ҳудудида жами 5000 нафар ёшга 1 гектардан ер майдонлари ажратилди. Зарбдор туманида ғалладан бўшаган 535 гектар майдон такрорий экин экиш учун ёшларга берилди. Кам таъминланган оилаларнинг вақтинчалик ишсиз 36 ўғил-қизига туман ҳокимлиги захирасидаги 26 гектар майдон тақсимланди.

— Бир неча йиллар хорижий давлатларда саргардон юриб, қора меҳнатнинг аччиқ азобини татиб кўрдим, — дейди “Нурафшон” маҳалласида яшовчи Элдор Пардақулов. — Бу йил эса менга ажратилган ерга қовун эқдим, ҳосилини бозорга олиб чиқдим. Даромад чакки эмас. Энг муҳими, ўз юртим, оилам бағридаман.

Президентимизнинг 2020 йил 11 майдаги “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги махсуслотлари етиштиришга иқтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2020 йилнинг учинчи чоратида Жиззах вилоятининг Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Фориш, Янгиобод ва Шароф Рашидов

ишчи гуруҳи томонидан янгидан бурғиланадиган артезиан қудуқлари жойлари танланиб, қишлоқ хўжалик харитасига туширилди ва лойиҳаларни амалга оширадиган ташаббускорлар аниқланмоқда. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 107 гектар боғ ва 943 гектар тоқзор барпо этилиши назарда тутилган.

Зомин туманида 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1 триллион 126 миллиард сўмлик 99 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши ва 2497 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Лойиҳаларнинг учдан икки қисми ташаббускорларнинг маблағлари, қолгани эса банк ва хориж кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида режадаги маблағнинг ярмидан кўпроғи ўзлаштирилди. 41 та лойиҳа амалиётга жорий этилиб, 259 та янги иш ўрни яратилди.

Ўтган йили фаолият бошлаган “Зомин асл ипак толаси” хусусий корхонасида пилла ҳосили қайта ишланиб, ипак толаси ва момик ишлаб чиқарилади. Корхона 400 тонна пиллани қайта ишлаш қувва-тига эга ва бу махсуслотни тўлиқ экспорт қилиш кўзда тутилган.

Ўтган мавсум пилласидан бир миллион долларлик махсуслот ишлаб чиқардик, — дейди корхона иш юритувчиси Сарвар Уролов. — У Хитой, Туркия, Эронга экспорт қилинди. Бу йилги ҳосилдан эса қарийб 1,5 миллион долларлик экспортбон махсуслот ишлаб чиқаришни кўзлаб турибмиз”.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган илк кунларданок, юртимизда етиштирилаётган пахтани ўзинида қайта ишлаб, тайёр махсуслот қўрилишида жаҳон бозорига олиб чиқиш вазифасини тилга олганди. Ўтган йилнинг сўнгида бўлиб ўтган йилги-лишлардан бирида ҳам Президентимиз Ўзбекистон пахта ҳомашёсини хорижга сотишни тўхтатишини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

“Келгуси йил тўқимачилик саноати 1,9 миллиард долларлик экспорт қилиши керак. 2020 йилга бориб биз бир тонна ҳам, бир кило ҳам пахта сотмаймиз. Ўзимизда қайта ишлаймиз”, деган эди давлатимиз раҳбари “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раисига мурожаат қилар экан.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 64 та тўқимачилик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан шу пайтгача 500 миллиард сўмлик махсуслот ишлаб чиқарилди. Бу вилоят ишлаб чиқариш ҳажмининг 35,5 фоизи айнан тўқимачилик соҳасига тўғри келишини билдиради.

“Жиззах” эркин индустриал зонасида жойлашган “Тошпена Текстиль” МЧЖ ўз махсуслотининг 100 фоизини хорижга экспорт қилувчи кам сонли жамоалардан бири бўлиб қолмоқда. Аммо март ойида эълон қилинган карантин боис, МЧЖ ва унинг тикув фабрикаларида меҳнат фаолияти вақтинча тўхтатилди. Асосий импортер давлатлари — Россия ва Италия бююртмаларини кайтариб олди.

Май ойидан яна ишлаб чиқариш жараёнлари рухсат берилиб, экспорт йўллари очилди. Жорий йилда оз эмас-қў эмас, 10 миллион донга сифатли ва етказола махсуслот ишлаб чиқаришни мақсад қилган, 1,5 минг одамни иш билан таъминлаган ушбу корхона давлатимиз раҳбарининг пахтани ҳомашё сифатида эмас, тайёр махсуслот қўрилишида сотиш афзаллиқлари ҳақидаги фикрини исботлаётгани шубҳасиз.

— Яқин келажақда пахта етиштириш, толани қайта ишлаш, тўқимачилик соҳаларини бирлаштириб, кластер шаклига ўтишни режалаштирганимиз, — дейди корхона директори ўринбосари Хусан Уринбоев. — Бу янги иш ўринларини яратди, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиради ҳамда ўзбек пахтасига ўзбекчасига ишлов бериб, жаҳон стандартлари асосидаги махсуслот ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Янгиобод тумани Жиззах вилоятининг энг кенжа ва энг кичик тумани. Шунга қарамай, туман аҳли Истиқлол байрамига муносиб совғалар билан нишонлашни режалаштирган. Шу кунларда туманда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш сингари йўналишларда қиймати 1 миллиард 300 миллион сўмликка яқин истиқболли лойиҳалар ўстилиш бормоқда. “Янгиобод агро” фермер хўжалиги, “Гран Гарден” агро-



кластери, “Фу Лай Жи” ва “Эко Веге-табл” қўшма корхоналари ғаллачилик, узумчилик, паррандачилик каби асосий йўналишлари билан бирга, агро ва эко-туризмни йўлга қўйиш лойиҳалари ўсти-тида иш олиб бормоқда.

“Географик жойлашуви, табиати, иқлими билан ҳар қандай сайёҳни мафтун эта оладиган гўшаларимиз кўп, — дейди туман ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Сарвар Пулатов. — Ташаббускор тадбиркорларнинг бу борадаги иштишларини қўлаб-қувватлаб, мўъжазгина тумани-мизни сайёҳларни ўзига жалб қиладиган масканга айлантиришимизга ишонман”.

“Обод қишлоқ” ва “Обод марказ” дастурлари айнан Жиззах вилоятдан — Дўстлик туманининг Манас қишлоғи ва Мирзачўл туманини маркази Гагарин шаҳридан бошланган. Мамнун бўладиган томони шундаки, бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишлар нафақат ҳа-миюртларимиз, балки узоқ-яқин хориждаги дўстларимиз эътиборига ҳам тушди.

Бундан бир муддат аввал Қозоғис-тон Республикаси Туркистон вилояти ҳокимлиги делегацияси Мирзачўлга ташриф бурди. Туман ҳокимлиги ва жамоатчилиги томонидан самимий ку-тиб олинган меҳмонлар шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий-маданий муас-сасалар, маҳаллалар ҳаёти билан та-нишди. Гагарин шаҳри марказидаги ба-рак қўрилишидаги эски уйларда яшовчи икки минг нафарга яқин аҳолига тортиқ қилинган замонавий уйлар уларда ҳай-рат ва ҳавас уйғотди.

— Мақсадимиз Ўзбекистоннинг “Обод қишлоқ” давлат дастурини амалга оши-ришда тўплаган тажрибасини ўрга-ниш эди, — дейди делегация раҳбари,

таъминоти ва оқова сув объектлари қу-рилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Мираҳмад Қоратоев. — Ушбу лойиҳага асосан, умумий узунлиги 183 километр бўлган сув тар-моғи, сув кўтариш ва тозалаш иншооти, 100 минг куб метр сиймimli сув сақлаш иншооти қурилиши амалга оширилиши режалаштирилган. “Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятининг ичимлик сув таъминоти тизимини яхшилаш” лойиҳасини амалга оширилиши ҳисобига Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўст-лик, Мирзачўл туманлари ҳамда Жиззах шаҳрида яшовчи 861 минг нафардан зиёд аҳолининг ичимлик сув таъминоти тўбдан яхшиланади.

Ҳозир қурилиш майдонларида иш қизғин бормоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширишга 60 дан зиёд техника ва уску-налар жалб этилган. Қурилиш объекти-да 162 нафар малакали мутахассис ва ишчи унумли меҳнат қилмоқда. Ушбу лойиҳа бажарилиши натижасида вилоят аҳолисининг марказлашган ичимлик сув таъминоти қамрови Жиззах шаҳрида 95 фоизга, лойиҳа доирасидаги 65 та қиш-лоқда эса 29 фоизга етказилади.

Айни пайтда лойиҳа доирасида-ги ишлар қизғин паллага кирган. Унга кўра, Зарафшон дарёсининг суви қуд-ратли насослар ёрдамида 102 метр баландликка кўтарилиб, махсус қу-рилган ҳовузларга ташланади. Мазкур объектидаги ўта муҳим қурилиш-монтаж ишлари “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг махсус қу-рилиш ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда.

Лойиҳадаги ҳар бир иншоотнинг қу-рилиш даври, фойдаланишга топшириш муддатининг аниқ режа жадваллари иш-



Туркистон вилояти саноатни бошқариш, инвестициялар ва экспорт бўлими бош-лиғи Ҳикматилла Раимбеков. — Ҳақиқа-тан ҳам, бу ишлар ўрганишга, ўзимизда қўллашга арзийди. Биз Мирзачўл билан ҳамкорлиқни кенгайтираимиз.

Мақоламизни бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳар бир иш, ҳар бир лойиҳа инсон манфаатини кўзлаётга-ни ҳақидаги мулоҳазалар билан бошла-ган эдик. Ундан кейин келтирилган факт ва рақам, мисол ва далиллар ҳам бу сў-ларимизни тасдиқлаган бўлса ажаб эмас. Яқунда шу маънодаги яна бир масалага эътиборингизни қаратишни маъқул кўр-дик. Президентимиз томонидан 2018 йил 4 майда “Жиззах вилояти аҳолисини си-фатли ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланган эди.

Зеро, бундай қарор бежиз қабул қилинмаганди. Вилоятнинг қатор ҳу-дудларида ичимлик сув таъминоти

Худойберди ҚАРИМОВ, журналист



Фармон ва ижро



ИНВЕСТИОР СУД ҲИМОЯСИДА: СУД АМАЛИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА



Бахтиёр ИСАКОВ,
Олий суд раиси ўринбосари,
иқтисодий судлов
ҳайъати раиси

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган энг муҳим устувор йўналишлардан бири иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган макроиқтисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишдир.

Мазкур йўналишда амалга ошириладиган ислохотлардан бири инвестициявий муҳитни яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгиланган иборат. Чунончи, мамлакатимиз иқтисодиётида инвестициявий муҳитни яхшилаш бир қатор омиллар билан чамбарчас боғлиқ.

Албатта, ҳар қандай чет эллик сармоядор муайян бир мамлакатга инвестиция киритиши учун дастлаб ўша давлатда иқтисодий ва сиёсий барқарорлик мавжудлигига, хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолиятининг мустақкам ҳуқуқий ҳимояланганлигига, бизнес юритиш жараёнида олинган даромадларни олиб чиқиб кетиш кафолатланганига, суд тизимининг очиқлиги ва мустақиллиги таъминланганига алоҳида эътибор қаратади.

Ўз ўрнида, чет эл инвестицияси иштирокида ташкил этиладиган корхоналар ва замонавий тижорат лойиҳалари амалга оширилиши натижасида мамлакатда илгор технологиялар, янги ишлаб чиқариш тизимлари, бизнес юритишнинг янги шакллари, менежментнинг фаол усуллари кириб келиши табиийдир.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар диверсификация қилиниб, уларнинг рақобатбардошлиги ошади ва, энг муҳими, Ўзбекистоннинг экспорт қиладиган маҳсулот турлари кўپаяди.

Мамлакатимиз қонунчилик тизимида фуқароларимиз, тадбиркорлар, қолаверса, чет эл инвесторларига кенг имтиёзлар ва тенг имкониятлар яратилиши тегишли қонунлар билан ҳуқуқий кафолатланган.

Шунингдек, чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни қўришнинг алоҳида тартиби амалдаги процессуал қонунларимизда ҳам ўз аксини топган.

Жумладан, 2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига “Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни юритиш” номли 3-бўлим киритилиши бу борадаги муҳим ва бошланғич қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди томонидан чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси қоидалари бўйича, кодекснинг “Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни юритиш” бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда қўрилади. Чет эллик шахслар иштирокидаги ишлар, агар бу шахслар ёки уларнинг

филиаллари, ваколатхоналари ёхуд уларнинг иш юритишга ваколатли бўлган вакиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган ёки яшаётган бўлса, ушбу кодексда белгиланган муддатларда қўрилади.

Шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни тубдан яхшилаш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини шакллантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланди. Ҳам хорижий, ҳам миллий инвесторлар учун кенг қўламли имтиёзлар тизими, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича преференциялар ва кафолатлар қонун йўли билан такомиллаштирилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда инвестициявий низолар, тааллуқлигига қараб, фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий ва маъмурий судлар томонидан ҳал этилмоқда. Ишларнинг тегишлилик қоида-қоида кўра, бундай ишлар қоида тариқасида туманлараро (туман, шаҳар) биринчи инстанция судларида илк бор судьяликка тайинланган судьялар томонидан қўрилмоқда.

Инвестициявий низоларни ҳал қилишнинг ушбу тартиби бу тоифадаги низоларнинг самарали ҳал этилишига, ягона суд амалиётини шакллантиришга, инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ўз вақтида ва сифатли ҳимоя қилинишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобатнинг кучайиши мамлакатимизда янада қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш борасида қўшимча чора-тадбирлар қўришни талаб этади. Суд амалиётида эса хорижий ва миллий инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Чунончи, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмагани ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта қўриб чиқишни тақозо этди.

Бу масалаларнинг ҳуқуқий ечими сифатида 2020 йил 24 июлда Президентимизнинг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармоннинг 3-бандига кўра, Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни қўриш бўйича судлов таркибини тузиш белгиланди.

Судлов таркибига инвестиция киритилган сандада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар — йирик инвесторлар ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни қўриш ваколати берилди.

Фармон билан инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг ҳолатига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида қўрилиши, қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида қўрилиши мумкинлиги белгиланди.

Фармон асосида 2021 йил 1 январдан Олий судда судлов таркиби ўз фаолиятини бошлайди. Шунга қадар қонунчилигимизда инвестицияга оид низоларни ҳал қилишнинг давлат тизимида такомиллаштириш ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қатор ўзгариш ва қўшимчаларни киритишимиз лозим бўлади.

Мисол учун, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонундан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларида “инвестициявий низо” тушунчаси мавжуд эмас. Ушбу қонуннинг 63-моддасида чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо “инвестициявий низо” деб ҳисобланиши назарда тутилган. Бироқ бундай низо инвестициявий низо деб аталиши мумкин эмас, чунки у инвестицияга оид низонинг турларидан биридир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс субъекти бўлган инвестиция фаолияти жараёнида юзага келадиган низо ҳам инвестицияга оид низо, деб эътироф этилиши мумкин (“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 9-моддалари). Шунга кўра, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунда “инвестициявий низо” тушунчасини назарда тутиш ҳамда фақат инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган инвестор ва давлат органлари ўртасида шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган низоларнигина шундай низолар сирасига киритишни тақлиф этамиз.

Шу билан бирга, “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни тайёрлашда Олий суд судьялари орасидан ихтисослаштирилган таркибларни шакллантириш ҳуқуқини назарда тутувчи қоидаларни киритиш, Иқтисодий процессуал кодекснинг 25-моддасини иқтисодий соҳада инвесторлар ҳамда инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар бўйича ишларни иқтисодий судларнинг тасарруфига киритишни назарда тутувчи янги банд билан тўлдириш, инвестициявий низолар бўйича ишларнинг судловга тегишлилигини назарда тутувчи янги қисм ҳамда Иқтисодий процессуал кодекснинг 32-моддаси учинчи қисмини тарафларидан бири йирик инвестор бўлган инвестицияга оид низоларни қўриб чиқишни Олий суднинг судловга киритишнинг назарда тутувчи норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, давлат органларининг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан инвестор томонидан шикоят қилиниши тўғрисидаги низоларни ҳам инвестицияга оид низолар сирасига киритиш лозим бўлади.

Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим чет давлатларининг қонун ҳужжатларида юқорида баён қилинган тартиб мавжуд. Хусусан, Қозғистон Республикаси Тадбиркорлик кодексининг 274-моддасига биноан, Қозғистон Республикасида ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичларнинг каммида икки миллион баравари миқдоридagi инвестицияни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс йирик инвестор ҳисобланади.

Қозғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига кўра, Нурсултон шаҳри суди, биринчи инстанция суди қоидаларига кўра, инвестицияга оид низолар бўйича фуқаролик ишларини, бундан Қозғистон Республикаси Олий судининг судловидagi ишлар мустасно, шунингдек, инвесторлар ҳамда давлат органлари ўртасида инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа низолар бўйича ишларни қўриб чиқади ва ҳал қилади.

Қозғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига биноан, Қозғистон Республикасининг Олий суди тарафларидан бири йирик инвестор бўлган инвестицияга оид низолар бўйича фуқаролик ишларини биринчи инстанция судининг қоидаларига кўра, қўриб чиқади ва ҳал қилади.

Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексига биноан, Москва шаҳри суди муаллифлик ҳуқуқларини ва (ёки) аралаш ҳуқуқларини, бундан фотография асарлари ва ахборот-телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, “Интернет тармони”да фотографияга ўхшаш усуллар билан олинган асарларга бўлган ҳуқуқлар мустасно, ҳимоя қилиш билан боғлиқ фуқаролик ишларини биринчи инстанция суди сифатида қўриб чиқади.

Юқорида қайд этилганлардан хулоса қилсак, Ўзбекистонда ҳам 1 январдан Олий суд тизимида янги судлов таркибининг ташкил этилиши ва инвестициявий низоларнинг қўрилиши тартибининг жорий этилиши натижасида инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизми такомиллашади. Зеро, инвестициявий низоларнинг тез ва самарали ҳал қилиниши, инвестициявий низоларни ҳал қилиши бўйича ягона суд амалиёти, чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши таъминланади. Шунингдек, бу тартиб Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини янада яхшилашга хизмат қилади, мамлакатимизда инвестициявий муҳит барқарорлигига муносиб замин яратади.

Тергов фаолиятига шахс ҳуқуқларини кафолатловчи замонавий стандартлар жорий этилмоқда



Мурод ЎРОЗАЛИЕВ,
Тошкент давлат юридик
университети доценти

Бугунги кунда мамлакатимиздаги туб ислохотлар даврида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга тобора муҳим ва устувор эътибор берилмоқда. Президентимизнинг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни замон талаблари даражасига кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Фармонда мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштириш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўйбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадлари илгари сурилган.

Таъкидлаш жоизки, суриштирув, тергов ва суд идоралари фаолиятида шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун зарур қонунчилик базаси шаклланган бўлишига қарамай, суд-тергов идораларининг институционал асослари ва фаолиятини замонавий стандартларга мувофиқлаштириш жараёни замон талабларига етарлича жавоб бера олмаётган. Хусусан, ҳозиргача тергов босқичида айбланувчининг энг асо-

соддалаштириш, унга бўлган сарф-харажатларни тежашга имкон беради. Ҳозир амалдаги қонунчиликка мувофиқ, шахс амалда айбига иқдорлик ва pushаймонлик билдирган тақдирда ҳам жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари ва ишни судда қўриш умумий асосларда давом эттирилади. Жумладан, биргина 2019 йилда судлар томонидан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича 88 нафар шахс ўз айбига иқдор бўлгани сабабли жавобгарликдан, 316 нафари эса жазодан озод қилинган.

Ушбу процессуал механизм айбланувчи ва тергов органи ўртасидаги ёзма келишув асосида айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан pushаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, келтирилган зарарни бартараф этган шахсларга қўлланилади. Бунда содир этилган жиноий қилмиш учун назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатига жазо тайинлаш белгиланмоқда. Демак, бу институтнинг қўлланиши нафақат процессуал чикимларни қисқартириши, балки, энг аввало, айбланувчи шахсларга ҳам сезиларли энгиллик келтириши қўзланмоқда.

Фармонда адвокатлар ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланиш тартибларини такомиллаштириш йўналишида ҳам бир қатор муҳим чора-тадбирлар қўйилди. Унга кўра, тезкор қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш (белгиланган тартибда ҳимоячининг воз кечилган ҳоллар бундан мустасно) белгиланмоқда.

Шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тезкор тадбир амалда аяқланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланиши шартлиги кўзда тутилмоқда.

Ўта оғир жиноят содир этганлигида гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи қўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгиланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган ўта оғир жиноятлар учун ҳимоячи иштироки шартлиги, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи қўриб чиқилаётганда ҳимоячи иштирокининг



Биргина 2019 йилда судлар томонидан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича 88 нафар шахс ўз айбига иқдор бўлгани сабабли жавобгарликдан, 316 нафари эса жазодан озод қилинган.

сий ҳуқуқларидан бири, яъни кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишга доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқи талаб даражасида таъминланмагани сабабли турли жисмоний ва руҳий таътиқлар остида кўп ҳолларда айбдор бўлмаган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳолатлари учраётгани сир эмас.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, шахсни жиноят ишида айбланувчи сифатида жалб қилиш учун реал асослар мавжуд бўлсада, ҳуқуқни ҳолларга қилувчи орган ходимлари унинг ҳуқуқларини тушунтириш ўрнига кўрсатув беришни рад этиши ёки бундан бўйин товлаши учун жавобгарликка тортилиши билан таҳдид қилиб, гувоҳ сифатида сўроқ қилади ва кейинчалик ушбу кўрсатувлардан далил сифатида унинг ўзига қарши фойдаланади. Бундан ташқари, амалиётда гумон қилинувчи ва айбланувчига босим ўтказиш ҳамда керакли кўрсатув олиш мақсадида уларнинг қариндошларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қақирши ва ушлаб туриш каби суиистеъмолчиликлар учрамоқда.

Мазкур салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида эндиликда шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно) уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилганига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзак кўрсатувлар олиш, ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ақин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қақирши ва сўроқ қилиш тақиқланмоқда.

Фармонда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид яна бир новация — айбига иқдорлик бўйича келишув институтини жорий этиш вазифаси қўйилди. Бундан мақсад нима ва ишон ҳуқуқларини муҳофазалашда қандай ўрин тутайди?

Айтиш мумкинки, ушбу институт жиноят юзасидан ўтказилаётган суриштирув ва тергов жараёнини

мажбурийлиги назарда тутилмаган. Натижада суриштирув ва дастлабки тергов даврида шахсга нисбатан етарли асосларсиз қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилмоқда. Мисол учун, 2019 йилда судлар томонидан 8 049 нафар шахсга нисбатан қамоққа олиш, 263 нафар шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган.

Шу билан бирга, фармонда тергов фаолияти соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш мақсадида халқаро стандартлар асосида терговчиларни махсус ўқитиш бўйича алоҳида тизим яратилиши вазифаси белгиланмоқда.

Ҳозирги кунда республикаимизда терговчиларни тайёрлаш бўйича махсус таълим муассасаси йўқ. Терговчи лавозимига Тошкент давлат юридик университети, ИИБ Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Қорақалпоқ давлат университетининг юридик факультети битирувчилари тайинланмоқда. Табиийки, уларни тайёрлаш даражаси, ўқув режасига қиритилган фанлар, айрим махсус фанлар ўқитилиши, жисмоний тайёргарлик ва бошқа талай омиллар бўлажак терговчиларнинг билим даражаси, касбий малакаси, оператив қўнимлар шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Шу босис, мазкур соҳада малакали кадрларни тайёрлаш ягона тизимини йўлга қўйиш, методологик ва техник нуктаи назардан ихтисослашган олий таълим муассасасини Тошкент давлат юридик университети-нинг ихтисослаштирилган филиали негизида ташкил этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Ушбу филиалда 800 нафаргача талабани ўқитиш имконияти бор. Бу борада етарли илмий салоҳият ва ўқув инфратузилма, тегишли моддий-техник ва ахборот-ўқув базаси шаклланган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, мазкур фармоннинг қабул қилиниши тергов идоралари фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш даражасини янада ошириш, тергов фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш, шахс ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда самарали замонавий механизмларни қўллашга муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

ЮКСАЛИШНИНГ ТЕЗКОР ВА САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Юртимизда рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазибалардан бири сифатида белгиланган. Бу жараёни экспертлар тарихий бурилиш даври, деб баҳоляпти. Уларнинг фикрича, келгуси 3 йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилади.

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидендлар” номи тадқиқоти хулосаларига кўра, интернет тезлиги икки баробар ўсиши мамлакат ЯИМ ҳажмининг 13-14 фоиз орттишига олиб келади.

Демак, мамлакатимиз тараққиётнинг истиқболи ҳам рақамли иқтисодиёт ривожланиши ва рақамли технологияларнинг қамров даражасига таянади. Президентимизнинг жорий йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумати кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2023 йилга бориб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 ҳамда ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш, уларнинг экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “бу ишларни келгуси 2-3 йилда тўлиқ амалга оширмасак, ҳар бир кечиккан йиллимиз мамлакатимизни 10 йил орқага тортади”.

Тараққиётнинг таркибий қисми

Рақамли иқтисодиётни жорий этиш ана шундай муҳим вазифа. Тан олиш керак, қўйилган вазифани Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилнинг моҳиятини наинки ҳудудлар, балки республика миқёсидаги айрим идоралар раҳбар-мутахассислари, асосан, компьютер афлисбосини ўрганишдан иборат, деб англагани ҳам бор гап. Тўғри, бу борада саводхонлик ўта зарур. Рақамли тараққиёт шундан бошланади. Лекин компьютерда ишлашни бугунги кунда мактаб ўқувчисини кўя турайлик, бошча боласи ҳам яхши билади. Бу давр шиддати ва талаби.

Ана шундай номутаносиб шароитда коронавирус пандемиясининг тарқалиши рақамли технологиялар тезкорлик билан жорий этилмаса, аксар соҳаларда иш юришмаслигини, ҳатто тўхтаб қолишини кўрсатди. Таълим, давлат хизматлари, бошқарув тизими, савдо ва хизмат кўрсатишнинг барча йўналишларига рақамли иқтисодиёт сув билан ҳаводек заруратга айланди. Илплар давомида айтилиб, лекин оғизда ва қоғозда қолиб келган масофадан кўрсатиладиган хизматлар санокли кунларда онлайн шаклга ўтказилди.

Ана шундай пайтда ҳаммамиз чуқуროқ ўйлаб бошладик. Рақамли иқтисодиёт ўзи нима, у аъъанавийсидан нимаси билан фарқ қилади, асосий белгилари қандай намён бўлади?

— Асосий фарқи, рақамли иқтисодиётда ахборот технологиялари маҳсулот қийматини яратишнинг ташкил этувчилардан бири ҳамда ахборотни бозор механизмнинг эътиборга молик элементи деб қаралади, — дейди Тош-

қурилмалар ва улар билан боғлиқ хизмат турлари пайдо бўлиши, 4D принтерларнинг кириб келиши, бизнеснинг янги рақамли моделлари яратилиши (булутли технологиялар, рақамли платформалар, рақамли хизматлар, биргаликдаги иқтисодиёт, сунъий интеллект), “катта маълумотлар” (big data) ва рақамли таҳлилнинг интенсив ривожланиши ҳамда автоматлаштириш ва роботлаштиришнинг янги технологиялари амалиётга жорий этилишига олиб келди. Иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларига кириб келадиган ахборот технологиялари яқин келажакда телекоммуникация инфраструктурасини янада ривожлантириши, аҳолининг сифатли мобил алоқа, кенг поласали интернетдан фойдаланишини, “Интеллектуал ҳукумат”, “Электрон ҳукумат”, “Ақлли қишлоқ ҳужалиғи”, “Хавфсиз шаҳар” каби дастурларнинг амалга оширилишини таъминлаб бериши керак. Бу эса жамиятни инновацион ўзгаришларга тайёрлайди ва ривожланишнинг янги, инновацион босқичига олиб чиқади.

Интернет, электрон ва веб-савдо билан шуғулланувчи олимлар фикрича, АКТ ва интернетнинг ривожланганлиги рақамли иқтисодиёт тараққиётга катта таъсир қилади. Унинг кенг қўлам касб этиши монетизация (ҳар бир лойиҳанинг фойда келтириши)нинг турли хилларини яратади. Бу, ўз навбатида, уларнинг ишлаб чиқаришнинг активи ёки янги омилига айланишига сабаб бўлади, мазкур турдаги иқтисодий муносабатлар тараққиётнинг таркибий қисмини ташкил этишига олиб келади. Ушбу мақсадга эришиш ўта муҳим. Жаҳон банки экспертлари иқтисодиётда монетизация коэффициенти 40 фоиздан кам бўлса, тўловсизлик муаммоси ҳал қилиб бўлмас ҳолатга келишини исботлаган.

Олдинда ана шундай катта вазифалар турибди ва уларни собиқ тузум давридагидек буйруқбозлик билан ҳал этиб бўлмайди. Чунки рақамли иқтисодиётни шакллантириш зарурий инфратузилма, қўл маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этади. Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида ҳам таъкидланганидек, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришиш зарур. Чунки рақамли технологиялар маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни қамайтиради. Шу билан бирга, энг оғир иллатлардан бири — коррупция билан боғлиқ ҳолатлар ҳам самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Масалан, солиқ соҳасида электрон ҳужжат алмашиш тизими — электрон ҳисобварақ-фактуралар (ЭХФ) қулайлик, тезкорлик ва хавфсизлик ботида замон талаби ва ҳозирги вазият тақозоси учун ҳам ҳар томонлама тўғри ечим бўлиб қолмоқда.

— Жорий йилда ЭХФ ахборот тизи-

тўғрисидаги маълумотлар 5 йилдан 10 йилгача электрон ҳужжат тарзида сақланади.



Масаланинг бошқа томонига эътибор қаратсак. ЭХФ тизими билан ноинсоф солиқ тўловчиларни аниқлаш осон. Чунки у давлат солиқ хизмати органларига реал вақт режимида қандай маҳсулот харид қилингани ёки сотилганини кўриш имконини беради. ҚҚС бўйича хатоликларни аниқлаш жараёнини автоматлаштириди ва қўшилган қиймат солигини ҳисобга олишда асоссиз ёндашувларнинг олдини олишга шaroит яратади. Бир сўз билан айтганда, мазкур тизим яширин иқтисодиётга қарши курашда жуда қўл келади ва унга йўл қўймаслиқни қўзғайди.

Бундай мисолларни бошқа тармоқлардан ҳам келтириш мумкин. Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа орқали амалга ошириш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва замонавий маҳсулотларни тақлиф этиши рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ана шу мақсадда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 200 турдан ортиқ электрон давлат хизматлари тақдим этиб келинмоқда. Йил якунига қадар умумий хизматлар тури 230 тадан ошади.

Бир йилда Ўзбекистоннинг интернет тезлиги бўйича рейтинг 36 поғона кўтарилди

— Рақамли технологияларни кенг жорий этиш давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳа ривожланишига хизмат қилиши борабарида одамлар турмушини кескин яхшилашида алоҳида ўрин тутишини ўтган қисқа фурсат, айниқса, охириги 6 ойлик давр яққол кўрсатиб берди, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шерзод Мелибоев. — 2020 йил якунига қадар ижтимоий соҳа объектилари, жумладан, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини 100 фоиз, умумтаълим мактабларини 80 фоиз тезкор интернетдан фойдаланиш имкониятини яратиш вазифаси белгиланди.

Бу, ўз навбатида, ёш авлоднинг замонавий билим олиши, беморларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш салоҳиятини ошириши билан аҳамиятлидир.

Республика телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасида бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Йил бошидан бугунги кунга қадар интернет тармоғига кенг поласали уланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 490 минг портли замонавий қурилмалар ўрнатилиб, уларнинг умумий сигими 2,5 миллионга етказилди. Бундан ташқари, 9 минг километрга яқин оптик толали алоқа линиялари қурилди.

Жойларда кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, фойдаланувчилар учун янада кенгроқ имкониятлар яратишда магистрал телекоммуникация тармоқларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш муҳим ўрин тутди. Кейинги пайтда уларнинг ўтказувчанлик даражаси вилотат марказларида 2 баробар, туман марказларига эса 4 баробар оширилди.

Хизматлар қамровини кенгайтириш

ва сифатини яхшилаш мақсадида 1 375 та қўшимча янги мобил алоқа база станцияси ўрнатилди ва 3000 дан ортиқ

шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмаларни рабатлантиришдир.

республика бўйича аҳоли масканларида мобил алоқа қамрови 97 фоизга ҳамда юқори тезликдаги мобил интернет даражаси 78 фоизга етказилди.

Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда Интернет тезлигини кескин ошишига омил бўлди ва 176 та давлатда ўтказилган Интернет тезлиги бўйича халқаро “Ookla” компаниясининг Speedtest.net хизмати таҳлилларига кўра, мамлакатимизда бугунги кунда 2019 йил кўрсаткичига нисбатан 36 поғонага кўтарилган.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш борабарида бугунги кунга қадар мавжуд 19 341 та ижтимоий соҳа объектидан 60 фоизи, жумладан, халқ таълими объектларининг 5 659 тасида (56 фоиз), мактабгача таълим муассасаларининг 3723 тасида (65 фоиз) ва соғлиқни сақлаш объектларининг 2 213 тасида (63 фоиз) оптик толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Шу билан бирга, телекоммуникация хизматлари учун тариф нархлари арзонлашмоқда. Оператор ва провайдерлар учун халқаро Интернет тармоғига уланиш нархи 1 Мбит/с учун 2019 йил давомида 17 фоизга, 2020 йилнинг 1 январидан эса 34 фоизга арзонлаштирилди.

Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида йил якунига қадар 153,7 миллион доллар қийматдаги лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

Шу ўринда мамлакатимизда АКТ соҳасидаги илгор технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда иккита оператор — “Ўзбектелеком” АҚ “Ўзмобиайл” филиали ва “Ucell” тармоғида биринчи босқичда Тошкент шаҳрида 5G технологияси жорий этилгани шундан далолат беради.

Фуқароларнинг давлат органлари билан алоқасини электрон платформа орқали амалга ошириш, яъни давлат ўз фуқаролари учун электрон хизматлар кўрсатиши ва электрон маҳсулотларни тақлиф этиши рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ана шу мақсадда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (https://my.gov.uz) ишлаб турибди. Бугунги кунда ушбу портал орқали 200 турдан ортиқ электрон давлат хизматлари тақдим этиб келинмоқда. Улар бўйича йил бошидан бери 1,4 миллионга аризалар келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоиз ошди.

Ахборот-коммуникация технологиялари илчил ривожланишининг муҳим омилларидан яна бири соҳада рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни ривожлантириш учун қулай шарт-

Айнан мана шу мақсадни кўзлаб барпо этилган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг резидентлари ҳисобланган 400 такилотда ҳозирги кунда тўрт минг нафардан ортиқ мутахассис фаолият юритмоқда. Энг муҳими, ушбу такилотларнинг 14 таси хорижий капитал иштирокида ташкил этилган бўлса, 54 таси янги очилган.

Йил бошидан бери IT-парк резидентлари томонидан 560 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми 346,2 миллиард



сўм, хусусан, экспорт ҳажми 6,1 миллион долларни ташкил этди.

Блокчейн ва бошқа инновацион технологиялар

Монетар сиёсат борасида ўз валютаси (криптовалюта, биткоин), пул сақлайдиган қармонни (блокчейн), ҳисоблаш усуллари (майнинг) каби атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши яшаш тарзини янада ўзгартириб юбориши табиий. Хусусан, дунё бўйича блокчейн технологияларга доир патентларнинг 75 фоизи АҚШ ва Хитой ҳиссасига тўғри келади. Ўз навбатида, интернет маҳсулотларнинг 50 фоизи ушбу мамлакатлар аҳолиси эътиёжларини таъминлайди.

Блокчейн — бир вақтнинг ўзида интернет орқали уланган бир қанча компьютерларда сақланадиган маълумотлар базаси ҳисобланади. Ҳозир ундан, асосан, криптовалюта (электрон пул) жўнатмалари учун фойдаланиляпти. Кейинги пайтда у жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қўллаб соҳаларда фаол жорий этилмоқда. Масалан, ер кадастрини юритиш, тиббиёт корхоналарида мижозларнинг анкеталарини сақлаш, давлат интерактив хизматларини ташкил қилиш ва ҳоказолар бунинг далилидир.

— Блокчейннинг афзаллиги — унинг шаффоф, тезкор, соддалиги ва қийматда, — дейди Равшан Аюпов. — Сиз криптовалюта ёки бирор маълумотни блокчейн орқали жўнатган бўлсангиз, бундай жўнатма ҳақида маълумотни ўзгартириш ёки қалбақлаштиришнинг умуман имкони йўқ. Агар сиз пуллар ёки

маълумотни блокчейнда сақласангиз, ушбу қайдар ҳеч қачон йўқолиб қолмайди ёки сохталаштирилмайди.

Юртимизда бу йўналишдаги стратегик ва тактик хатти-ҳаракатларнинг муваффақиятли амалга ошиши ва ривожланиши қандай имкониятлар эшигини очади?

— Мамлакатимизда яқин келажакда суверен давлат блокчейн тизими ташкил қилиниши ва у ўзида турли молиявий институтларнинг функцияларини қамраб олиши мумкин, — дейди Равшан Аюпов. — Бундай институтлар жумласига банклар, депозитарийлар, пенсия фондлари, солиқ идоралари ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу амал солиқ тўлаш ва маблағларни фондларга ўтказиш ишларини нисбатан осонлаштириш ва тўлиқ автоматлаштириш имконини беради. Криптовалютани эса алоҳида такилотларда ёки ҳудудларда ҳаётга татбиқ қилиш мақсада мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Бу соҳада етарлича амалий тажриба тўпланганидан сўнг уни, масалан, эркин иқтисодий ва савдо ҳудудларида ёки чет эллик мутахассислар ишлайдиган инновацион қўшма корхоналарда кенгроқ қўллаш мумкин.

Президентимизнинг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида криптобиржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган нормалар асосида мамлакатимизда крипто-активлар айланмаси соҳасида фаолият ҳуқуқий тартибга солиб келинади. Бу ҳужжатларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ваколатли орган ҳисобланади.

Утган йил охирида Марказий Осиёда биринчи криптобиржа Ўзбекистонда рўйхатга олинди ва Корея Республика-

сининг “Kobea Group” компанияси ана шундай фаолиятни амалга ошириш учун дастлабки лицензия эгаси бўлди. У “UzNEX” номи остида иш юритади. Мазкур бозорда миллий валюта, кредит карталари амал қилади.

Майнинг ва ICO токенларини чиқариш жараёнини амалга ошириш эса малакали инсонларнинг халқаро тижоратга қўшилишга, фрилансинг билан шуғулланишга имкон яратади, республикамизга инвестициялар оқимини сезиларли даражада қўпайтиришга хизмат қилади.

Статистик маълумотлардан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги ўрни 2,2 фоизга тенг. Худди шу кўрсаткич ривожланган давлатларда, масалан, Буюк Британияда — 12,4, Жанубий Кореяда — 8,1, Хитойда — 6,9 фоиз. 2030 йилгача ахборот-коммуникация ва интернет технологияларига асосланган рақамли иқтисодиёт улушини мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида 10 фоизга кўтариш келажакдаги стратегик вазифаларимиздан биридир. Бу эзгу ниятларни амалга ошириш учун “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурида кўзда тутилган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш зарур бўлади ва бунинг учун барча асослар бор.

2020 йилга Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб ном берилиши том маънода Ўзбекистон ҳаётида глобал тараққиётга ҳамоҳанг равишда тарихий бурилиш даври бошланганини ва бу борада қисқа муддатда эришилаётган ютуқлар унинг шиддати тобора ортиб боришдан далолат беради.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи



кент давлат педагогика университети профессори, техника фанлари доктори Равшан Аюпов. — Масалан, аъъанавий иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг энг асосий сектори қазилма бойлиқлар, индустриал иқтисодиётда ишлаб чиқариш соҳалари бўлса, рақамли иқтисодиётда асосий тармоқ илм-фан, маълумотлар ишлаб чиқариш ва уларни узатиш ҳамда билимлар генерацияси ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида иқтисодиётнинг ривожланишидаги сифат ўзгаришлари интернет билан боғлиқ бўлган. Аммо 2010 йиллардан бошлаб ахборот-коммуникация технологиялари янги босқичга ўтгандан кейин рақамли иқтисодиёт шиддат билан ривожлана бошлади. Бу жараён юзага келган воситаларнинг аксарият объектларга ўрнатилиши (буюмлар интернет)га, янги мобил

мидан фойдаланувчи 280 мингга яқин ҳужалик юритувчи томонидан расмийлаштирилган электрон ҳисобварақ-фактуралар умумий сони 11,6 миллиондан ошди, — дейди Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази мутахассиси Абдукарим Эшбоев. — Ушбу тизимда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган корхоналар ҳам фаол. Уларнинг 91 фоизи ўз фаолиятида ҳисобварақ-фактураларнинг электрон шаклини самарали қўлламоқда.

ЭХФ тизими тадбиркорларни ортиқча қоғоз ишларидан халос этади, вақт ва бошқа харажатларини тежайди, бухгалтерия ҳисоблашидаги хатоликларнинг олдини олади ва ҳисоботлар юборилишини автоматлаштиради. Барча товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сотилиши

Ўзбек киноси

САБР ТИМСОЛИГА
АЙЛАНГАН АЁЛМахлиё МИРСОАТОВА,
киношунос

Кейинги йилларда ўзбек киночилигидаги имкониятлар кенгайиб, режиссёрларимиз томонидан халқимиз тарихини, миллий характериини очиб берувчи кўпбл фильмлар яратилмоқда. Айниқса, жорий йилда суратга олинган “Илҳақ” фильми томошабинлар эътиборини ўзига жалб қилди. Шу боис, кўпбл жордшларимиз ва мутахассислар ижтимоий тармоқларда ушбу фильм ҳақидаги таҳлилий ҳамда танқидий мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбек аёли тимсолини бош қаҳрамон сифатида экранга олиб чиққан “Илҳақ” фильмининг мавзуси оғриқли ва туганмасдир. Қачон унга юзлансақ, аламли тақдирлар устидан қикверамиз. Чунки бу мавзу ҳеч қачон эскирмайди. Она бўлиш ҳаётининг янги босқичи, яъни жонингдан узиб бўлған фарзанднинг учун умрбаҳшидалиқни бўйнингга олишдир. Ҳа, фарзанднинг ҳамиша бор бўлсин, мудом қошинга келсин. Сендан кейин орқанда қолсин... сўровинг шу бўлади ОНА бўлганингдан кейин.

Қалбиданг қатлларингга тўкилади дуоларинг... Кафтингиди дуоларинг эса ҳар томонга сочилиб кетишидан кўрқасан... Зулфия аянинг дуолари эса бу синови дунё шамолларида соврилиб, унинг этакларида тўкилиб кетди.

Фильм тарихий аҳамиятга эга бўлган, ўзбекнинг табиати ва характериини очиб берадиган кадр билан бошланади. Катта Фаргона каналининг қурилиши орқали ўзбек миллатининг урушдан аввалги кунлардаги ҳаёти, турмуши, даврга ишора берилади. Бош қаҳрамон шу халқ ичидан чиқиб келади.

Аёл кишининг белидаги белбоғи фавқуллода томошабин эътиборини тортади. Аёл кўллари билан ўша белбоққа маҳкам суяниб олгандек гўё. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқади. Белбоғ, бева қолган Зулфия ая айтганидек, отасиз 5 ўғил ва бир қизни воёга етказишда қувват бўлиши билан бирга, миллатдаги одат ҳисобланмиш азадорликка, ташвишларга ишора ҳам берадики, фильм давомида бу белбоғни ҳам садоқат тимсоли, ҳам руҳий қувват, хафалиқанда, дунё ташвишларида букилиб қоладиган қадри кўтаришга куч бўлганини кўраимиз.

Ўзбек киносиди биз устоз актрисаларимиз яратган образларни эътироф этган ҳолда, бош қаҳрамон — мардонавор, сабр-бардошли ОНА образи бу экран асариди анчагина яхши яратилганини айтишимиз мумкин.

Она ҳар қора хат олганида ўзи тамом бўлса-да, ўша вақтининг ўзиди тақдир ишдан чиққан келинлари учун қуяди. Шунинг масъулиятдан оёққа туришга мажбур бўлади. Фильм давомида бу масала аяна ҳам кенгайиб боради. У матонатли бўлишга мажбурлигини ҳис қилади. Агар мен йиқилсам, ёш келин нима қилсин, менинг келиним дод солса, қўшним нима қилади, маҳалламдаги анови аёл-чи, деган мулоҳазасини кечинмаларидан устун қўйишга куч топади. Шунинг учун ҳам биз аяни матонат тимсоли, деймиз.

Энди унинг руҳи ўзидан-да катталашиб бораверади. Ўлим муқаррар. Орқанда қолганлар яшаши керак. Қандай чидаш ва яшаш мумкин? Тирик ўлиб бўлмас... Мана шу масъулиятни она кўтаридаи ва қишлоқ бўйлаб у САБРга айланади. Энди у деярли гапирмайди...

Уруш ортидаги ўйинларни ҳам тушунади. Раиснинг ордени нима ва кимлар эвазига келгани, бемаъни урушдан ҳеч ким ютмаслиги, нега ўғилларининг ҳаммаси урушга қақирлаётгани... ҳаммасини тушунади. Шу боис, қайтишидан қайтмаси аниқроқ бу йўлдан бирор-та ўғлини қайтара олмайдди. Чунки унинг ўзи болаларини шундай тарбиялаган. Аслида фронт ортида қолишдан ўша жанг майдониди қон кечиш енгилроқдек. Юсуфнинг кўнглили бўлиб кетиши, бунга чидай олмади акиси Муҳаммаджоннинг яна урушга қайтиши... бир жиҳатдан она қанчалик аламли бўлмасин, фарзандлари қарорини тўғри деб топади.

Она оиласи ташвиши билан бирга елкасига қишлоқдошлари юқини ҳам олади. Келинининг маҳаллага сут тарқатиш шартми, деган гапига: — Болаларининг оғзидан сут ҳиди келиб турса, қандай уялмайсан, ахир, — дейди. Мана шу она тарбиясини олган келинлар ҳам унинг дароҳидан кетишни истамайди ва белларига белбоғ боғлайди.

Лекин она ҳар бир қора хат олганида ўқиниши, уруш туггани эълон қилинганда ҳеч нарсаси ҳис қилмай, майдондан мағлуб қилиши-ю, ақалли биттаси ҳам қайтмади-я, дейиши (аслида кульминацион нуқта шу, урушда ҳеч ким ютмаганигининг ифодаси эди бу), тунда сой бўйига бориб, фарёд қилиши... бу ҳолатларнинг ҳеч бирини изохлаб бўлмайди.

Фильмда режиссёр рамзий ифода-лардан унумли фойдаланган. Юсуф ўқишга қиради. Соё бўйидаги тенгқурларига рўпара бўлади. Биз мана шу ерда почтачи Чори билан танишамиз. У — гунг. Воқеалар ривожиди, инсон кўтариши қийин бўлган манзараларда шу портфель орқали томошабинга гапирилади. Қаҳрамон ҳам бежиз гунг эмас. Унинг тили шу портфель. Қандай айтиш мумкин ўлим хабарини... сўз айтмоқ осонми?

Почтачи қалби ҳам портфель рангидек сиёҳ. У барча қора хат юқини юрагиди кўриб юради ва охири чидай олмади, эгаларига етказмаган қора хатларни сойга отади. Юрагиди азобдан қутулмоқчи бўлади. У Тошкентда ўқишга кириб, уйига қайтаётган Юсуфга олма беради. Юсуф дўстидан миннатдор бўлиб олмабўқча, Зулайхо ёнига ўқишга кирганини айтиш учун ошиқади.

Тўйга тайёрларлик жараёнида Исоқжон ўтин ёрпяти, ёри хамир қорпяти. Ўзбекона муҳаббат ва тиллашув... аёллик ишваси, эр-кақдаги ўқтамлик, қатъийлик... сўзсиз диалог. Болта... уни яна 3-4 кадрларда кўраимиз. Хавф-хатар, ўлимга ишора.

Яна бир лавҳада эса қирмизи олма ва тишланган нонлар сува оқиб кетади. Муҳаббат ва бевақт қийилган ризқлар...

Болаларнинг ўйнаб, уй тўридаги гиламга осилган тишланган бешта нонни бирин-кетин туширишлари... ёш она қия очик эшиқдан уни кузатади ва индамайди. Чунки...

Орден — аросатда қолган раиснинг барча қилган ишлари ойнаси. Сафарбарликдаги ташаббуси, эҳтимомли, энг кўп эркакларни ёллагани учун тақилган матоҳ. Жойнамоздаги аёли ҳам бир оғиз гап билан ҳақиқатни айтди: “Сизнинг гуноҳларингизни Аллоҳ барибир кечирмайди”.

Аҳмаджоннинг немисларга қарши бир ўзининг қилган кураши. “Қарғалар учса қарайлик” қўшиғи орқали ўзининг жасади куз-ғунлар ичиди қолишини айтётгандек... У минани портлатади. Унинг инсонийлиги, еттипарварлиги қизалоқ билан бўлган суҳбатиди аққол очилади.

Фильмда кадрма-кадр ўзбек характери очилиб бораверади... Укасининг урушга кетишига чидамаган аканинг яна урушга қайтиши... Юсуфнинг кўнгли амри, фашизмга қарши курашда эр йигит бўлиб урушга бормаслиқни тасаввур қила олмаслиги... Келиналарни хурмати учун хотини билан бир хонада қолишга

андиша қилган йигитнинг фаросати... Ўғилни уйлашга жазм қилган она қарори: “Келинни чимилдикда кўрасан”. Буларда ҳам бир ҳикмат бор.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, мутахассислар таъкидлаганидек, фильмининг аввалроқ тугатиш мумкин бўлган нуқталари бор эди. Буни режиссёр ҳам кўрган. Лекин кинорежиссёр Шўҳрат Аббосов билан бўлган суҳбатларимизда, у: “Фильм суратга олинганда ҳеч қачон томошабинни унутмаслик керак. У фильмин (қайси жанр ва қандай мавзуда бўлишидан қатъи назар,) кўриб, кинозалдан чиққанида ҳаётни севиши, шўкроналик қилиши, тушқунликка тушиб қолмаслиги керак”, деган эди. Жаҳонгир Аҳмедов ҳам шу йўлдан борган. Фильм 1960 йиллардан бошланб, бугунги кунимиз билан якунланади. Набирасининг Ленинграддан Зулфия ая орзу қилган камзул ва амакиси қабридан бир сиким тупроқ олиб келиши аянинг илҳақлиги ўзлишига сабаб бўлади.

Ҳар бир ижодий ишни таҳлил қилиш жараёнида, албатта, тақлифлар ҳам тугилади. Режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов интервьюларининг бирида: “Фильмлар шу пайтгача имкониятга қараб соланар эди. Бу фильмда эса ижодга қараб имконият яратилди”, деди.

Ҳақиқатан ҳам, бунинг исботи декорация, либослар, бўюмлар, грим, тасвир, монтажда кўриниб турибди. Бироқ шу ўринда баъзи эътирозларимиз ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Режиссёрда материал кўплиги, манба борлиги учун ҳам, назаримизда, режиссурада тарқоқлик бордек. Фильмин бир нафас билан кўриш даражасига келиш учун қисқартишга зарурят бордек (ё кўпроқ қисмли бўлиши керакдир), лекин айнаи дамда қимматли материалларни ташлашга қўзи қиймаган. Сюжетлар кўплиги сабаб қаҳрамонлар характериини деталларига очиш имконияти бўлмаган. Актёрларни ишлатиш борасида ҳам максимал имкониятлар ишга солинмагандек. Шу билан бирга, Дилором Каримова, Тоҳир Саидов, Раъно Зокирова тақрибаси билан қисқа вақтда образларни маромига етказиб очишни удалашган.

Қамров кенг. Шунинг учун ҳам битта фильмда 4 та давлатдаги уруш ҳолатини сифдириш учун баъзан телевизион шакллардан фойдаланишга тўғри келган. Қаҳрамонлар “объект”га бориб, воқеаларда тез иштирок этиб, миссияларини якунлайди.

Бу ерда мулоҳаза вақтга сивиш нуқтаи назардан билдириляпти.

Шу сабаб ҳам фильм мантиқан икки-уч жойда тугаб, яна давом этапти. Дезертир, андижонлик йигит, Зулайхо образлари ҳам айнаи бўш ва ортиқчадек (ё уларни тўлақонли яратиш керак эди). Шунинг учун ҳам режиссёр уларни мавҳумликда қолиб кетаётганлиги учун сюжетдан чиқариб юборишга мажбур бўлади.

Экран асариди “Армон”, “Муҳаббат жоқроси”, “Қайнона”, “Суюнчи”, “Ватан” фильмлари ва бир қанча адабий асарлардаги образлари (бу фикрни бир неча танқидчилар таъкидлади) деярли айнан эслатуви кадрлар борки, гоҳо фильмдан чалиғиб, ўша фильмлар ёдингизга тушади.

Энг муҳими, диалоглар жуда пухта, ўзбекона. Ўзбек киносиди ва дубляжиди мактаб аънаваларини қўришимиз мумкин. Нуҳт, диалог, тил ва урф-одатлар, ўзбекона муносабатлар, қадриятлар масаласига жуда жиддий ёндашилган.

Яқин йилларда тарихий фильмлар деярли олинмади (охирги йилларни мустасно қилганда). Суратга олинган фильмларимиздаги воқеалар ҳам ўз атрофимизда бўлди. Бу, албатта, кинода кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва тақриба алмашиш билан боғлиқ масалалардир. Фильмда беларус киноижодкорларининг иштироки ҳам ўзбек киносидида янги қадамлардан бири. Зеро, кинода “донорлик” бўлиши керак. Доимий “қон” алмашиб турилиши кино ривожига хизмат қилади.

Киноижодкорлардан томошабинни илҳақ қилмай, бугун ўз томошабинини топиб бўлган “Илҳақ” фильмидек ёрқин картиналар кўтиб қоламиз.

Бугуннинг қаҳрамонлари

Муҳтарама УЛУҒОВА,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази масъул ходими

Аллоҳнинг синови — COVID-19 пандемиясидан қутулиш учун Ер юзининг барча мамлакатлари аҳли бирдек шифо сўраб, чора изламоқда. Наҳот туйнуклари қачон, қаерда очилишини кўтиб, излаб бораётган инсониятнинг бою бадавлат, шунингдек, ўта эҳтиёжманд қатламлари вакиллари ҳам бу дарддан қочиб қутулолмапти.

Касалликка чалинганлар сони сониялар сайин ортмоқда, вафот этганлар гўёки кеч кузакда дарахтлардан тўкилган заъфарон япроқлар каби. Дуоларда беморларга шифо ва, албатта, ўзимиз ва яқинларимизга, барчага омонлик — паноҳида бўлишидан қатъи назар, кўриб, кинозалдан чиққанида ҳаётни севиши, шўкроналик қилиши, тушқунликка тушиб қолмаслиги керак”, деган эди. Жаҳонгир Аҳмедов ҳам шу йўлдан борган. Фильм 1960 йиллардан бошланб, бугунги кунимиз билан якунланади. Набирасининг Ленинграддан Зулфия ая орзу қилган камзул ва амакиси қабридан бир сиким тупроқ олиб келиши аянинг илҳақлиги ўзлишига сабаб бўлади.

Бирдек меҳру муҳаббат, умид улашиш... осонми? Аммо Дилдора Рустамова бу ҳақда оғиз ҳам очмади. Телефон орқали мен билан суҳбатга қисқа вақтини ажратган бўлса-да, фикру хаёли беморларда эканини гапларидан англадим: — Бизни энг кўп қийнаган муаммо — айрим юрдошларимизнинг ўз соғлиғига ўта бепарволиклари. Касаллик белгилари кў-

Улар, наздимизда, эзгу мақсад йўлида орқа-олдига қарамай курашга дадил кирган қаҳрамонлардир. Зеро, шундай кишилар борки, улар элу юртга фидойилик, жасорат, ҳолислик билан хизмат қилишни оддий инсоний бурч деб билади, фаолиятларида бу эътиқоддан ҳеч оғишмайди. Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали неврология бўлими катта ҳамшираси Зулфия Жуманиязова ҳам ана шундай меҳридарё, муруватпеша, тиниб-тинчимас тиббиёт ходимларидан эди. 35 йил давомида У.Халмуратов номиди Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази жонлантириш бўлими ҳамшираси, В.Вохидов номиди Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус филиали катта ҳамшираси, Республика шовилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалининг



Ҳамма йўлдошев олган сурат.

ҲАМШИРАЛИК —
ШАРАФ, МУКОФОТ

дарёга ўзини ташлагандек ҳаёту мамот ўртасиди курашишга ҳоли қолмаган, ёнига келган одамга йиртқич дардини юқтириши мумкин бўлган беморларнинг дардини енгиллатиш, аритиш ишига ўзини бағишлаган инсонларнинг ҳаёти ҳам бир мартагина берилган... улар азиз, ширин кунларини гаровга қўйишларига нима сабаб экан? Яна... бундай йўлни ирода қилганлар орасиди аёллар: зиммасиди оила тинчлик-осойишталиги, фарзандлар бугунги ва эртаси учун масъуллик, офтоб бўлиб хонадонининг гуллаб-яшнаши, файзу фарогатини барқарор этмоқ вазифасини бахту саодат деб билган муҳтарама оналар, опа-сингиллар бор...

Кескаю доно муаллим — кўхна тарих дарсхонасидан сабоқ тинглаймиз: башарият тарихининг ҳамма босқичларида илм-фан, маърифат, маданият, санъат, адабиёт ривожини, ижтимоий адолат тантанасини эл-юрт қарақчилик, ободлиги, халқ тинчлик-осойишталигини шахсий роҳат-фароғатидан, манфаатларидан устун қўйган фидойи шахсларнинг меҳнати, изланиши, ижоди, саъй-ҳаракатлари шарофатидан юзага келган.

Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникиси бош шифокори, Президентимиз фармонига қўра, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланган Дилдора Рустамова билан суҳбатлашарканмиз, кўпчилик тасаввур этиши ҳам қийин бўлган фидойилик — эл соғлиғи учун ҳар қандай вазиятда камарбасталиқни ҳис этдим. Бу шифокорнинг уч фарзанди, уч набираси бор.

— Касбини жуда яхши кўраман, — Дилдорахон гапини шундай бошлади. — Беморлар кундан-кунга қўнайиб, ёрдамга муҳтож бўлиб турганда, қандай қилиб четда туришим мумкин? 20 мартдан бошлаб қарийб тўрт ойдан буюн шифохонадаман, орада бир ҳафта соғлиғимни тиклаб келдим.

Тўрт ой давомида оила, уч фарзандио набираларини қўриши, бағрига босгиси келмайдими, соғинмайдими она! Тўрт ой давомида куну тун ҳар хил кайфият, турфа ҳолатдаги беморларга қараш, уларни тинглаш, англаш, кўнглини кўтариш, ҳаммасига

рингандан кейин ҳам уйда ўзлари даволанмоқчи бўлиб, билиб-билмаган, ёнига келган одамга йиртқич дардини юқтириши мумкин бўлган беморларнинг дардини енгиллатиш, аритиш ишига ўзини бағишлаган инсонларнинг ҳаёти ҳам бир мартагина берилган... улар азиз, ширин кунларини гаровга қўйишларига нима сабаб экан? Яна... бундай йўлни ирода қилганлар орасиди аёллар: зиммасиди оила тинчлик-осойишталиги, фарзандлар бугунги ва эртаси учун масъуллик, офтоб бўлиб хонадонининг гуллаб-яшнаши, файзу фарогатини барқарор этмоқ вазифасини бахту саодат деб билган муҳтарама оналар, опа-сингиллар бор...

Кескаю доно муаллим — кўхна тарих дарсхонасидан сабоқ тинглаймиз: башарият тарихининг ҳамма босқичларида илм-фан, маърифат, маданият, санъат, адабиёт ривожини, ижтимоий адолат тантанасини эл-юрт қарақчилик, ободлиги, халқ тинчлик-осойишталигини шахсий роҳат-фароғатидан, манфаатларидан устун қўйган фидойи шахсларнинг меҳнати, изланиши, ижоди, саъй-ҳаракатлари шарофатидан юзага келган.

Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникиси бош шифокори, Президентимиз фармонига қўра, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланган Дилдора Рустамова билан суҳбатлашарканмиз, кўпчилик тасаввур этиши ҳам қийин бўлган фидойилик — эл соғлиғи учун ҳар қандай вазиятда камарбасталиқни ҳис этдим. Бу шифокорнинг уч фарзанди, уч набираси бор.

— Касбини жуда яхши кўраман, — Дилдорахон гапини шундай бошлади. — Беморлар кундан-кунга қўнайиб, ёрдамга муҳтож бўлиб турганда, қандай қилиб четда туришим мумкин? 20 мартдан бошлаб қарийб тўрт ойдан буюн шифохонадаман, орада бир ҳафта соғлиғимни тиклаб келдим.

Тўрт ой давомида оила, уч фарзандио набираларини қўриши, бағрига босгиси келмайдими, соғинмайдими она! Тўрт ой давомида куну тун ҳар хил кайфият, турфа ҳолатдаги беморларга қараш, уларни тинглаш, англаш, кўнглини кўтариш, ҳаммасига

дастлабки жонлантириш бўлими, сўнгра неврология бўлими катта ҳамшираси — кўриниб турибдики, олий тоифали ҳамшира Зулфия Жуманиязова доим тиббиётнинг энг оғир, алоҳида масъулиятталаб, ўз ҳаловатидан кечиб ишлаш керак бўлган нуқталарида фаолият кўрсатди. Ҳа, у чин маънода ҳамшира эди. Ногиронлиқнинг олдини олиш бора-бора фидокорона меҳнат қилди, кўпбл шогирдлар тайёрлади, аҳоли орасиди соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга катта ҳисса қўшди. Хизмат вақтида коронавирусга чалиниб ҳаётдан кўз юмди. Касбини садоқат билан жасорат ишига айлантирган Зулфия Жуманиязова вафотидан кейин “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Мукофотланганларнинг юздан ортиқроғи аёллар — опа-сингилларимиз. Улар билан ёнма-ён, пандемия билан юзма-юз туриб халқ соғлиғи учун курашаётган тиббиётимизнинг муҳтарама фидойилари юз-юзлаб! Тилсиз ёв билан курашда вафот этганлари ҳам оз эмас (Аллоҳ раҳматларига олсин!). Уларнинг барчаси энг олий мукофотларга муносиб.

Имкон бўлса, тиббиёт ходимларининг ҳар биттасини табриклашди, миннатдорлик билдиргинг, дил сўзларини тинглагинг келади. Оқ халатли кучли тоифа вакилларида чуқур эҳтиромимизни издор этган ҳолда, бугун чин маънода айримларининг ҳаёт-мамоти учун кураш кетаётган соғломлаштириш масканларида шифокор, ҳамшира, анага, хона бекаси, фаррош олаб-ишлатган қилаётган опа-сингиллар, дўстоналарга алоҳида меҳру ташаккуримизни издор этамиз. Ҳафталаб, ҳатто оилаб беморларга парвона бўлаётган, қўли, тили, дилининг маҳкам билан юзлаб дардмандлар жисму руҳини енгиллаштириш, касалини аритиш учун курашаётган азизу мукаррамалар.

“Бахтиямизга ўзининг ҳам соғ-омон бўлинг. Яхшиликнинг жаवоби яхшиликдир. Бошқаларга кўрсатган мурувват, меҳрибонлик, фидойиликларининг, иншооллоҳ, ўзин-ғизга бир неча баробар орғиги билан қайтсин!” деган тилагимизни ҳар лаҳза ҳис этиб туришингизни, Аллоҳдан бу ниятлар ижобатини сўраймиз.